

Qishloq hayoti

2013 йил Обод турмуш йили

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz 2013-YIL 14-MART, PAYSHANBA, 32 (8113)-son 1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan Bahosi kelishilgan narxda.



Рашид Галиев олган сурат.

СУРХОНДА НАВРҶЗ НАВРАСИ

Сурхон заминида бодом гул тўқди, дарахтлар куртак ёзди. Майсалар бўй чўзиб, қир ва адирларни тириклик рамзи саналмиш яшиллик қоплади. Бу эса юртга Наврўз келаётганидан дарак.

Кутлуг айёмга тайёргарлик ишлари воҳада аллақачон бошлаб юборилган. Умумхалқ байрами арафасида шаҳар ва туманларда сумалак сайллари, байрам тадбирлари, ижодий кечалар ўтказилмоқда. Кўчалар, хиёбонлар, маҳалла гузарлари ҳамда хонадонларни ободонлаштиришга катта эътибор қаратилаётир.

— Маҳалламизда кўкаламзорлаштириш ишлари уюшқоқлик билан олиб борилмоқда, — дейди Термиз шаҳридаги Алпомиш маҳалласи раиси Эшқобил Поёнов. — Байрамолди ҳашарда кексаю ёш, каттаю кичик барча бирдек жонбозлик кўрсатиб, гузар атрофида минг тупдан ортиқ мевали ва манзарали кўчатлар ҳамда турфа хилдаги гуллар ўтказилди. Шунингдек, маҳаллалар ўртасида “Ҳар бир ёшга бир кўчат”, “Энг обод хонадон”, “Энг обод кўча” беллашувлари ташкил этилди. Голиблар ташкилотчилар томонидан рағбатлантирилмоқда. Мискинлар, кексалар ҳамда беморлар ҳолидан хабар олиш, кам таъминланган оилаларга моддий кўмак бериш, буларнинг барчаси маҳалламиз фаоллари эътиборидан четда қолгани йўқ. Чунки инсонни қадрлаш, муҳтожларга ёрдам бериш бизнинг қон-қонимизга сингиб кетган миллий қадриятларимизнинг бир кўринишидир. Кутлуг айёмнинг моҳияти ҳам мана шунда.

Маҳалла ободлигига қўшилган ҳисса, юрт ободлигига қўшилган ҳиссадир. Бугун яратувчанлик йўлида бошланган ҳар бир ишда унум ва баракани қўриш мумкин. Сурхондарёда Наврўз байрамнинг асосий қисми Термиз шаҳридаги “Дўстлик” истироҳат боғида бунёд этилган ёзги амфитеатрда ўтказилиши кўзда тутилган. Шунингдек, “Болажон”, “Бобур” номли истироҳат боғлари ҳамда кўча ва хиёбонлар ҳам Наврўз арафасида янги қиёфа касб этди. Ҳар томонда янги-ланиш ва яратувчанликни кўриб кўз қувонади.

Биргина Термиз шаҳридаги “Бобур” истироҳат боғида айни пайтда кенг кўламли қурилиш ва қайта таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда. Ҳомийлар томонидан бу ишга 1 миллиард сўмлик маблағ йўналтирилган бўлиб, истироҳат боғи ҳозирда ҳақиқий маънода кўнгил яйрайдиған сайилгоҳга айланган.

— Қурилиш ишларини 2012 йил апрель ойида бошланган эдик, — дейди боғнинг барча таъмирлаш ишларини ўз зиммасига олган “Термиз таъмир қурилиш файз” хусусий корхонаси раҳбари Раҳматулло Аъзамов. — Шу ўтган вақт мобайнида истироҳат боғининг барча йўлақларига умумий ҳажми 8 минг юз метр квадрат бўлган шаклли бетон тўшамалар ётқизилди. 506 ўринли болалар ёзги амфитеатри қайта таъмирланди, 350 дона тунги ёриткич чироқлари, 50 дона ўтиргичлар ўрнатилди. Ичимлик суви учун қудуқ қазилиб, боғнинг чегара ер майдонига шаклли панжаралар ўрнатилди. Сайилгоҳга келган болажонларга завқ бағишлайдиған мусиқали ҳамда рангли бўлган фавворани ўрнатиш ишлари ниҳоялай деб қолди.

Юртбошимиз айтганларидек, ободлик кўнгилдан бошланади. Обод юртга байрамлар ярашади. Сирасини айтганда, Сурхон воҳаси аҳли шодиёна билан обод юрт ичра кутлуг айёмни кутмоқда.

Воҳид ЧОРИЕВ,
“Туркистон-пресс” муҳбири.

САҲИФАЛАРДА:




ҚОРАҒАТ БОҒЛАРИ — ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲА 2

МЎЛ ҲОСИЛ ТАРАДДУДИ



3



БЕБАҲО ҲАЗИНА 4

«Political Events» Ўзбекистонга кечаётган ўзгаришлар хақида

Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар хорижий мамлакатлар оммавий ахборот воситаларининг диққат марказида турган мавзулардан бири бўлиб қолмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг яқунлари ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вази́рлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган маърузасини шарҳлар экан, **Ҳиндистонда нашр этиладиган «Political Events» ахборот-таҳлилий журнали** мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотлар натижаси ўлароқ халқ фаровонлиги тобора юксалиб бораётганлигини алоҳида таъкидлайди.

“Ўзбекистон иқтисодиёти жадал суръатлар билан ўсиб бормоқда, солиқ-бюджет ва ташқи фаолият соҳаларидаги мустақкам позиция, банк тизимининг барқарорлиги, давлат қарзининг камлиги ва ташқаридан қарз олишда эҳтиёткорлик билан ёндашиш мамлакатни глобал инқирознинг салбий оқибатларидан ҳимоя қилди”, деб ёзади журнал.

“Political Events” наشري ишлаб чиқариш қувватини ошириш, энергияни тежайдиган замонавий технологияларни жорий қилиш, республикамизда электр таъминотининг сифати ва барқарор фаолиятини таъминлаш мақсадида энергетика мажмуасини техникавий ва технологик жиҳатдан янгилашга қаратилаётган катта эътиборга юксак баҳо берган. “Бунинг ёрқин исботи «Навий иссиқлик электр станцияси»да Япониянинг «Митсубиши» компанияси томонидан ишлаб чиқарилган қуввати 478 мегаваттга тенг буғ-газ қурилмасининг ишга туширилиши бўлди. Мазкур лойиҳанинг амалга оширилиши бир йилда қўшимча 2,8 миллиард кВт электр энергияни ишлаб чиқариш, шу билан бирга, шартли ёқилғи истеъмолини 1,8 марта қисқартириш ҳамда ҳар йили 400 миллион куб метр ҳажмдаги газни иқтисод қилиш имконини беради”, деб ёзади “Political Events”.

Мамлакатимизда автомобиль саноати ривожланиши ҳақидаги маълумотларни ўқувчиларга тақдим этар экан, нашр Самарқанд вилоятида Германиянинг дунёга машҳур “MAN” компанияси билан ҳамкорликда йилига уч мингта юк машиналари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган янги мажмуа қурилишининг иккинчи босқичи ўз ниҳоясига етганини маълум қилади. Шунингдек, дунёнинг энг илғор тажрибаси ва юксак мезонлар асосида бунёд этилган мазкур ишлаб чиқариш мажмуаси замонавий юк ташиш автомобиллари билан мамлакатимиз аҳолиси эҳтиёжини таъминлагани баробарида уларни экспортга ҳам йўналтириши мақолада алоҳида таъкидланади.

«Жаҳон» АА
Дехли

ҚОРАҒАТ БОҒЛАРИ — ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲА

Самарқандда мамлакатимиз боғбонларининг ўсимликлар ҳимоясига бағишланган семинари бўлиб ўтди. Тадбир доирасида кўплаб мавзуда маърузалар тингланди, кўргазмалар ва тажрибалар намойиш этилди. Улар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Ана шундай маърузалардан бири Польшанинг Скерневитсе шаҳридаги мевачилик институти профессори Петр Собичевски муаллифлигидаги ўсимликлар бактериал касалликларига қарши кураш мавзусидаги маъруза бўлди.



Таъкидлаш жоизки, польшалик мутахассислар боғбонларимиз билан мустақкам алоқа ўрнатилган. Ўтган йил май ойида ҳам улар иштирокида томчилатиб сугориш, дарахтнинг новдаларини кесиш, меваларни сақлашга оид семинарлар бўлиб ўтганди.

Шу ўринда мазкур институт хусусида тўхталиб ўтсак. 60 йиллик тажриба ва илмий изланишларга эга ушбу муассасада бугунги кунда 600 нафардан ортиқ ходим ишламоқда. Европада боғдорчилик тармоғидаги энг йирик институт ҳисобланадиган илмий муассаса йилига 8 мингдан ортиқ боғбон-талабани ўқишга қабул қилади. Талабалар боғдорчилик, сабзавотчилик, гулчилик ва асаларичилик каби бўлимларда таҳсил олишади. Институтда ўсимликларни мажмуавий ҳимоя қилиш тизими ишлаб чиқилган бўлиб, унда турли кимёвий, физик, ҳатто нанотехнологик услублардан фойдаланилади.

Институт профессори Петр Собичевски мева ва ўсимликларни ҳимоя қилиш йўналишида фаолият олиб боради. Кўзиқорин ва бактериялардан келиб чиқадиган касалликларнинг шаклланиши ва ривожланиши, уларнинг олдини олиш ва курашиш усуллари устида илмий изланишлар ўтказмоқда. Кейинги йиллар-

да боғдорчиликда бактериал куйиш муаммоси долзарб бўлиб борапти.

— Ушбу касалликка қарши курашда, энг асосийси, уни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш чорасини кўришдир, — дейди профессор uzreport.uz сайтига берган интервьюсида. — Акс ҳолда, бир-икки ой ичида боғ бутунлай хароб бўлиши мумкин. Ҳозирда ўзбекистонлик боғбонлар учун икки турдаги қўлланма ҳамда “Ўсимликларни ҳимоя қилиш бўйича боғбон маълумотномаси”ни нашр қиляпмиз. Бу нашр кўпгина расмлар, схемаларни, умуман боғбонларга мевали дарахтларидан юқори ҳосил берадиган навларни ўстириш ва фаолиятларини самарали олиб боришлари учун ёрдам берадиган маълумотларни ўз ичига олган.

Зарарли ҳашаротлар ва касалликка чидамли навларни етиштиришда институтимиз муайян натижаларга эришган. Ўзбекистон иқлим шароити учун Польшадан келтирилган кўчатлар, айниқса, олма кўчатлари мос келмоқда. Польшада 180 минг гектар майдондаги олма боғларида 3 миллион тоннадан ортиқ ҳосил етиштирилади. Ўтган йилда Польша боғбонлари олма ҳосилнинг 30 фоиздан ортигини экспорт

қилишди. Шунингдек, Польша қорағат ва қулупнай етиштиришда ҳам жаҳонда етакчилик қилади. Ўзбекистонлик боғбонлар билан тажриба алмашган ҳолда, ҳамкорликда катта мевали боғлар, масалан, қорағат боғларини яратиш истиқболли лойиҳа бўларди.

Мамлакатимизда кейинги йилларда боғдорчилик бўйича хориж мамлакатлари билан ҳамкорлик қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Маълум бўлишича, 2010-2012 йилларда мамлакатимизга Польшадан дарахт кўчатлари келтирилиб, Тошкент, Самарқанд, Фарғона вилоятларида интенсив боғлар ташкил этилган. Ушбу боғлардаги дарахтлар бўйи паст, аммо самарадор ва нисбатан тез ҳосилга киради. Шунингдек, бундай кўчатлар Туркия, Украина, Сербия давлатларидан ҳам келтирилмоқда.

Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигидан маълум қилишларича, жорий йил қарийб 6 минг гектар майдонда мевали боғ, 5,5 минг гектар майдонда узумзорлар ташкил қилиш режалаштирилган. Бунинг учун боғдорчиликка ихтисослашган фермер ҳўжалиқларига 18 миллион дона мевали дарахт ҳамда узум кўчатлари етказиб берилмоқда.

ҚИЗИЛМИЯ ЕТИШТИРУВЧИЛАР ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

Мамлакатимизда қизилмия етиштириш ва тўплашни тартибга солишга қаратилган ҳукумат қарори қабул қилинди. Унга кўра, ушбу турдаги маҳсулотни етиштирувчиларга бир қатор қулайликлар яратилди. Хусусан, бу соҳада фойда юритиш учун юридик шахс мақомига эга бўлиш мажбурий эмаслиги белгиланди.

Қарор махсус рухсатномалар олиш тартиботини янада соддалаштириш, тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек, ўсимлик дунёси объектларидан оқилана фойдаланиш ва уларни мамлакат ташқарисига олиб чиқиш юзасидан назоратни амалга ошириш тартибини такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган бўлиб, унга биноан юридик ва жисмоний шахсларга республиканинг қизилмия илдизи экстракти ишлаб чиқарадиган қайта ишловчи ташкилотлари билан ғамланган хомашёни етказиб бериш юзасидан шартномалар тузилган тақдирда, махсус фойдаланиш учун рухсатнома олмасдан қизилмия тўплашга рухсат этилди.

Мамлакатимиз фуқаролари – юридик ва жисмоний шахс-



ларига яланғоч қизилмия хомашёсини четга олиб чиқиш учун 1 тонна маҳсулотга нисбатан 225 АҚШ доллари, яланғоч қизилмияни қайта ишлашдан олинган маҳсулотни четга олиб чиқиш учун эса 1 тонна маҳсулотга нисбатан 100 АҚШ доллари миқдорига тўлов белгиланди. Яъни қизилмия маҳсулотини ўзимизда қайта ишлаш рағбатлантирилди.

Шунингдек, қизилмия хомашёсини етиштирувчилар мамлакатимиз ҳудудида жойлашган қайта ишлаш корхоналари билан ҳамкорлик қилган ҳолатларда яна бир қатор енгилликлар берилди.

БОЛЛИВУД ФИЛЬМИ ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИНАДИ

Ҳиндистонлик кинорежиссёр Сельварагхаван “Irandam Ulagam” номли ҳинд фильми суратга олиш жарёёнларининг бир қисмини Ўзбекистонда амалга оширади.



Фильмдаги бош ролларни Арья ҳамда Анушка ижро этишмоқда. Ушбу фильмнинг маълум қисми ўтган йили Гоа, Грузия, Бразилия мамлакатларининг диққатга сазовор, манзарали жойларида суратга олинган. Маълум бўлишича, фильмнинг Ўзбекистондаги суратга олиш ишлари 21 март кунига белгиланган. Бу кунда эса юртимизда Наврўз байрами нишонланади.



АЛОҚАЧИЛАР-ФАОЛИЯТИ — ЯНГИ СЕРИАЛДА

«Ўзбектелефильм» киностудиясида мобиль алоқа компанияси ходимлари фаолияти ҳақидаги янги сериал суратга олинмоқда.

100 қисмдан иборат “Ҳаёт босқичлари” (шартли) сериалининг суратга олиш ишлари 1 мартда бошлаб юборилган. Суратга олиш учун МТРКнинг янги медиамарказида 800 кв.м. дан иборат декорация майдони ташкил этилган.

Сериалнинг дастлабки 20 қисмини 2013 йил май, июнь ойларида намойиш этиш мўлжалланган. Асосий янгилик ушбу сериал жонли овозда, “конвейер” услубида суратга олинади. Яъни сериалнинг дастлабки қисmlарини намойиш этиш билан бирга қолган қисmlарни суратга олиш ишлари давом этади.

Сериални суратга олиш ишларида 100 дан ортиқ актёрлар, 30 га яқин суратга олиш гуруҳи иштирок этмоқда.

Азиз НУРУЛЛАЕВ



Фаргона Вилояти

**ҒАЛЛАЧИЛИКДА
ҲОСИЛНИ ТЎПЛАШ ВА
САҚЛАШ ЗАРБДОР
ТЎҚСОН КУНЛИГИ**

МЎЛ ҲОСИЛ тараддуди

Баҳор нафаси уфуриб турган шу кунларда фермер хўжаликларидида иш қизғин паллага кирмоқда. Айниқса, сабза урган бугдой майсаларини парваришлагга оид агротехник тадбирларни ўз вақтида бажариш... Хуллас, ҳар дақиқа ганимат.

Фаргона вилояти Ёзёвон туманидаги 117 гектар ер майдонига эга “Баҳромбек” фермер хўжалигида ҳам баҳорги деҳқончилик юмушлари авжига кирмоқда. 48 гектар майдонда баравж ўсаётган ғалланинг ривожини яхши. Парвариш қатъий агротехника қоидаларини асосида олиб борилаётир. Зараркунандаларга қарши курашиш эътиборда. Хўжаликнинг сифатли таъмирдан чиққан техникаси 50 гектар майдонга чигит қадаш учун шай ҳолатга келтирилган.

— Айни давр ғаллачиликда муҳим аҳамиятга эга, — дейди фермер хўжалиги иш юритувчиси Ғофур Исоқов. — Қишдан чиққан майсалар парвариши ниҳоятда зарур. Уларнинг илдизи ба-

қувват бўлиши, поясининг мустаҳкам бўлиши, сирасини айтганда, ҳосилдорликни таъминлашда бугунги озуқа, бугунги агротехника тадбирларининг ўрни катта. Шу боис, ҳар бир ишга алоҳида масъулият билан ёндашяпмиз. Айниқса, маҳаллий ўғит жамғариш, сугоришни, албатта, “шарбат” усулида амалга ошириш ҳамда минерал ўғитлар билан озиклантиришни оби-тобида ҳамда маромида ўтказиш учун барча имкониятларни ишга соляпмиз.

Суратда: Ёзёвон туманидаги “Баҳромбек” фермер хўжалиги иш юритувчиси Ғофур Исоқов.

Муқимжон КОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат.

▼ СПОРТ: ФУТБОЛ

ОСИЁ ЧЕМПИОНЛАР ЛИГАСИ:

ЖАМОАЛАРИМИЗ ЎЗ ГУРУҲЛАРИДА ПЕШҚАДАМ

Осиё Чемпионлар лигасининг гуруҳ босқичи иккинчи тур учрашувлари бўлиб ўтди. Мазкур мусобақада юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган “Пахтакор” жамоаси ушбу турда БААнинг «Аш-Шабоб» клуби меҳмони бўлди. “Бунёдкор” жамоаси эса Жанубий Кореянинг “Похан Стилерс” жамоасига қарши ўз майдонида тўп сурди.

Меҳмондаги ўйин пахтакорчилар учун мураккаб кечди. Зеро, рақиб жамоа таркибида тажрибали легионерлар, хусусан, мамлакатимиз терма жамоаси аъзоси — ҳамюртимиз Азиз Ҳайдаров ҳам ҳаракат қилади. Мезбонлар ўйинни фаол бошлаб, бир неча бор хавфли вазиятларни яратишди. Узоқ масофалардан аниқ зарбаларни йўллашда Азиз Ҳайдаров ҳам бразилиялик легионер жамоадорларидан қолишмай ҳамюртларини бир қур синовдан ўтказди. Аммо кўпгина вазиятларда “Пахтакор”нинг ёш дарвозабони А.Лобанов аниқ ҳаракат қилиб, учрашувда дарвозаси дахлсизлигини сақлаб қола олди. 63-дақиқада Темурхўжа Абдухолиқовнинг захирадан майдонга туширилиши “Пахтакор”га учрашувда тўла устунликни қўлга

киритиш имконини бермаган бўлса-да, жамоанинг ҳужумдаги ҳаракатларини кучайтирди. Натижада 83-дақиқада Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзоси Жамшид Искандаров гол киритишга муваффақ бўлди. “Пахтакор” иккинчи турда ҳам кичик ҳисобда ғалаба қозонишга эришиб, олти очко билан гуруҳ пешқадамига айланди. “Пахтакор”нинг гуруҳдошлари “Ал Иттифоқ” ва “Леҳвия” ушбу турда 0:0 ҳисобидаги дуранг натижани қайд этишди. Кейинги турни ҳам “Пахтакор” жамоаси 3 апрель куни меҳмонда Қатарнинг “Леҳвия” жамоасига қарши ўтказди.

Ўз майдонида тўп сурган “Бунёдкор” жамоаси учун ҳам баҳс мураккаб кечди. Гарчи учрашувнинг биринчи бўлимида “қалдирғочлар”

муваффақиятли тўп сурган, А.Пишурнинг голи эвазига ҳисобда олдинга чиқиб олган бўлсалар-да, иккинчи бўлимида “Бунёдкор” марказий ҳимоячиларининг хатолари туфайли иккита тўп ўтказиб юбориб, энди 1:2 ҳисобида орда қола бошлашди. Ҳакам томонидан асосий вақтга қўшиб берилган сўнгги дақиқалардагина К.Мурзоев Ж.Ҳасановнинг узатмасидан гол киритиб, дуранг натижани таъминлади. Шу тариқа ғалабани кўзлаб турган муҳлислар дуранг натижани ҳам катта муваффақият сифатида нишонлашди. “Бунёдкор”нинг гуруҳдошлари “Бейцзинь Гуань” ва “Санфречче Хиросима” учрашувда мезбонлар 2:1 ҳисобида ғалаба қозонишди. 4 очкога эга “Бунёдкор” тўплар нисбатига кўра, гуруҳдаги биринчи ўринни эгаллаб турибди. Кейинги турда “Бунёдкор” жамоаси ҳам ўз майдонида Хитойнинг “Бецзинь Гуань” жамоасига қарши тўп суради. Учрашув 2 апрелда бўлиб ўтади.

УЙИНГИЗНИ ЁНГИНДАН АСРАНГ

Ҳар биримиз яхши ният билан, эзгу мақсадлар билан янги уй қурагимиз, янги иморатлар солагимиз. Бунинг учун йиллар давомида меҳнат қилиб, маблағ йиғамиз. Аммо биргина ёнгин хавфсизлигига эътиборсизлик — уй эгасининг ёки қурувчиларнинг лоқайдлиги сабаб ана шу пуллар бир зумда кулга айланиши мумкин.

Буни қарангки, бундай ҳолатларни бартараф этиш мақсадида ёнгин хавфсизлиги ходимлари, жамоатчилик томонидан олиб борилаётган кенг қамровли тарғибот ва ташвиқот ишларига қарамай ҳамон шундай кўнгилсиз ҳолатлар учраб турибди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, қурилиш май-

донларида, қўлбола иситиш асбоблари ва носоз электр симларидан фойдаланиш оқибатида кўнгилсиз ҳодисалар юзага келаётир. Шунингдек, келиб чиқаётган ёнгинларнинг яна бир сабаби қурилиш материалларнинг сақланиши билан боғлиқ. Яъни тез ёнувчи, қизиш натижасида ўз-ўзидан

ёнувчи, очиқ оловдан узоқ сақлаш лозим бўлган қурилиш материаллари ҳам борки, бу бунёдкорлардан жиддий эътиборни талаб этади. Яна бир ҳолат қурувчилар учун мўлжалланган вагонларда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этилмастидир.

Сирасини айтганда, ҳар бир ишда эътиборли бўлиш мақсадимизга элтувчи омилдир. Шу жумладан, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш ҳам.

**О.ХОЛХОДЖАЕВ,
Миробод тумани ИИБ
ЁХБ ДЁН инспектори,
капитан.**

ДИҚҚАТ ЭЪЛОН!



«Агробанк» очиқ акциядорлик тижорат банки томонидан кичик бизнес ва хусусий талбиркорлик соҳасида фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон Республикасида жойлашган ишлаб чиқариш микрофирмалари, кичик корхоналари, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда талбиркорлик фаолияти билан шугулланмоқчи бўлган ёшлар, хусусан, таълим муассасалари битирувчиларининг банкка тақдим этилган бизнес лойиҳалари ўртасида қуйидаги номинишлар бўйича танлов ўтказилади:

- Энг яхши инновацион лойиҳа;
- Энг яхши ёш талбиркор;
- Энг яхши ҳунарманд;
- Энг яхши талбиркор аёл;
- Энг яхши хизмат кўрсатиш лойиҳаси;
- Энг яхши ишлаб чиқариш лойиҳаси;
- Ёшларга энг кўп иш берган талбиркор;
- Энг яхши оилавий талбиркор.

Қўриқ-танловни ўтказиш муҳлатлари:

Ушбу танловда иштирок этиш истагида бўлган шахслар ўз бизнес лойиҳаларини доимий яшаш манзилларидаги «Агробанк»нинг филиалига жорий йилнинг 25 мартига қалар тақдим этишлари мумкин.

Танлов якунида аниқланган ғолибларга банк томонидан шахсан маълумот берилмаи ҳамда улар имтиёзли микрокредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар билан тақдирланади.

РЕСПУБЛИКА ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА АГРОКИМЁ МАРКАЗИ ВИЛОЯТЛАРДА 2013 ЙИЛ МАВСУМИДА ЗАРАРЛИ ЧИГИРТКАЛАРГА ҚАРШИ РЕСПУБЛИКА БЮДЖЕТИ ҲИСОБИДАН БАЖАРИЛАДИГАН КИМЁВИЙ ИШЛОВЛАРНИ ЎТКАЗИШ УЧУН МОТОРЛИ ОСМА ҚЎЛ ВА ТРАКТОР ПУРКАГИЧЛАРИ, АВТОМАШИНАГА ЎРНАТИЛГАН УМО (ЎТА КАМ ҲАЖМДА ИШЧИ ЭРИТМА ПУРКАШ) ПУРКАГИЧЛАРИ ВА МОТОДЕЛЬТАПЛАНЛАРГА ТАНЛОВ БЎЙИЧА ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

ТАНЛОВ МУДДАТЛАРИ ВА МАЪЛУМОТЛАР УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:

Сурхондарё вилоятида	02.04.2013 й.	8-376-223-75-08, 3-75-16
Қашқадарё вилоятида	04.04.2013 й.	8-375-225-34-63, 5-33-19
Самарқанд вилоятида	08.04.2013 й.	8-366-236-44-70, 6-44-73
Жиззах вилоятида	10.04.2013 й.	8-372-223-62-93, 2-37-12
Навоий вилоятида	15.04.2013 й.	8-436-223-40-04, 3-46-81
Бухоро вилоятида	17.04.2013 й.	8-365-228-20-98, 8-19-33
Сирдарё вилоятида	19.04.2013 й.	8-367-227-62-76, 7-63-32
Наманган вилоятида	22.04.2013 й.	8-369-234-33-28, 4-35-64
Фаргона вилоятида	24.04.2013 й.	8-373-224-94-67, 4-37-52
Андижон вилоятида	26.04.2013 й.	8-374-224-52-98, 4-29-30
Тошкент вилоятида	30.04.2013 й.	142-07-73
Қорақалпоғистон Республикасида	08.05.2013 й.	8-361-222-06-01, 2-20-72

Юқоридаги техника воситаларига эга бўлган ташкилотлар, хусусий корхоналар ва фермер хўжаликлари танловга тақлиф қилинади.

Кўлингиздан ҳам, тилингиздан ҳам ОЗОР ЕТМАСИН

Буюк ватандошимиз тиб илмининг султони улуғ аллома, фарбда Авиценна номи билан машҳур бобокалонимиз Абу Али ибн Сино “Юрак соғлом бўлса, тана ҳам мустаҳкам бўлади. Зеро, одам боласида кўнгил бирламчи, ҳар қандай яралганнинг юраги кўкрагидан жой олган”, деб ёзади ўзининг “Табобат” номли рисоласида.

■ **Абдулазизхон МАХСИМОВ,**
Фузор туманидаги “Батош” жоме масжиди имом-хатиби.

Дарҳақиқат, кўнгил – инсон ҳаётининг асосини ташкил этувчи омил бўлиб, жамики нарсалардан устун туради. Бу оламда амалга ошириладиган энг савоб амаллар – меҳру шафқат, саховат, мурувват, хайру эҳсон, муҳтожларга моддий ёрдам, ширинсуханлик, хуллас, барча-барчасидан кўзланган асосий мақсад ҳам айнан кўнгил мулкини обод айламоқдир. Пайғамбаримизнинг ҳадиси-шарифларида ҳам, бир ғариб, ғамгин одамнинг кўнглини олиш, уни хурсанд қилиш, вайрон этилган Каъбани обод қилиш, таъмирлашдек улуғ савоб билан баробар эканлиги айтиб ўтилган. Ҳазил мулкининг султони Алишер Навоий ҳазратлари ушбу ҳадисга ишорат қилиб шундай ёзадилар: “Кимки бир кўнгли бузғун хотирин шод айлагай. Очча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай”. Инсоннинг кўнглини кўтариш, севинтириш – Ислому таълимотида энг савобли амаллардан ҳисобланади. Агар қалб, яхшилик нурларидан баҳра олса, эзгуликлар маконига айланади, аксинча бўлса, қораяди ва тубанликка, разолатга юзланади.

Шу сабабдан барча махлуқоту мавжудотлар

ичида азизу мукаррам қилиб яратилган Инсон доимо бошқалар дилини оғритмаслик, ҳусни-хулқлик, ширинсўзлик, биронинг оғирини енгил қилиш, жамиятга ва инсонларга яхшилик ва хизмат қилиш каби амалларга буюрилгандир ҳамда эзгу амалларининг натижаси – мукофоти борлиги хушхабари берилгандир. Бир ҳадисда яхши, ширинсўзга ҳам садақа савоби ёзилгани айтилган бўлса, бошқасида бир биродарининг оғирини енгил қилиш учун қадам босган банджа жаннат боғларида юргандек бўлади, деб марҳамат қилади. Ҳақиқатан, хушмуомалалик, қачон ва қаерда бўлмасин, ўз соҳибига ҳамиша хайр-яхшилик олиб келган. Бу борада Бархурдор ибн Махмуд “Маҳфилоро” асарида “Ширинсўзлик ва мулоимлик балони қайтаради” деб ёзади. Инсонлар билан муомалада мулоимликни ўзига одат қилган киши ўзгалар газаби, қарғиши, ёмонлигидан омонда бўлади. Кўнглини хушнуд этадиган амаллардан яна бири – очик чехраликдир. Бу ҳақда Фаридиддин Атторм шундай деган:

**Эй биродар бўлса
идрокинг мудом,**

**Элда бўлгин доимо
ширин калом.
Хўмрайиб, ҳар кимса
аччиқ сўзлагай,
Дўстлари ундан
қочишни кўзлагай.**

Доно халқимиз “Бейайб парвардигор”, дейди. Одам борки, адашадиган, хато қилади, муҳими, хатони ўз вақтида, кечиктирмай тўғрилай билишда, гоҳида инсонлар ўзлари билиб-билмаган ҳолда бир-бирларини ранжитиб, дилларига озор етказдилар. Ана шундай ҳолатларда камчиликларини тушуниб етган заҳоти узр сўрамоғи ва бундай салбий ҳолатларни бошқа такрорламасликка астойдил ҳаракат қилмоғи лозим. Пайғамбаримизнинг бир ҳадисларида “ҳақиқий мусулмон – қўлидан ва тилидан бошқалар зарар кўрмайдиган кишидир” дейилган. Инсонлар ўртасидаги келишмовчиликлар ва низоларнинг асосий сабабларидан бири тил офатлари – ғийбат, чақимчилик каби иллатлардан сақланмасликдир. Муқаддас Ислому динимиз инсонда бор ва ўзи эшитса хафа бўладиган камчиликни гапиришни – ғийбат, унда йўқ айбни гапиришни эса тухмат, деб уқтиради ва ҳар икки иллатдан ҳам узоқ бўлишни буюради. Эшитган, кўрган нарсасини ўйламасдан гапирариш кишининг гуноҳкор бўлишига етарли далил эканлигини пайғамбаримиз таъкидлаганлар.

Демак, атрофимиздаги кишиларга очикюзли, хушмуомалали, эътиборли бўлишимиз, барчага бирдек самимият билан муомала қилишимиз айни саодат калитидир.



КИТОБДАН ЯХШИРОҚ ДЎСТ ЙЎҚ ЖАҲОНДА

Соҳибқирон Амир Темур буюк тиб олими Абу Али ибн Синонинг мазорини зиёрат қилдилар. Шу пайт шаҳар кутубхоначиларидан бирини чақириб, Ибн Синонинг ёзган асарлари билан танишиб, кутубхоначига:

— Сиз мавлоно кутубхона хусусида не фикр бўлса тортинмай айтинг, — дейдилар.

Шунда кутубхоначи:

— Китоб, тақсирим, бебаҳо хазина, ер қимирлаб қасрлар кулаб тушиши, азим шаҳарлар бир зумда йўқ бўлиб кетиши мумкин, нахрлар издан чиқиб қуриб қолиш ҳоллари ҳам бўлган. Хазинани қароқчи олиб кетиб давлат фулуссиз қолиши ҳам мумкин. Аларни вақти билан тиклаб олса бўлур, аммо китоб йўқ бўлиб кетса, уни ҳеч қачон тиклаб бўлмайду.

Бу гапдан кейин Амир Темур кутубхоначига кутубхона хусусида яна бафуржа ўйлаб кўрурмиз, деб жавоб берадилар.

Тўғри, ҳозирги кунда жамиятимизда компьютер ва интернет кенг ўрин олмоқда. Аммо китобга тенг келадигани йўқ.

Ёшим 75 да бўлишига қарамай ҳамон китоб ўқийман. Қаерга борсам, биринчи галда китоб дўконларини ва кутубхоналарни суриштираман. Мен учун керакли китоб бошқа шаҳар китоб дўконларида борлигини эшитсам, албатта, бориб олиб келаман. Ўқиганда хотирам панд бериб қўймаслиги учун шу ўқиган китобимнинг керакли жойларини алоҳида оқ қоғозга тушириб қўяман. Баъзида китобхонлар даврасида тортишув баҳсларида ҳам қатнашиб тураман. Чунки биз илм-маъ-

рифатни, маънавиятни фақат китобдан, ундан кейин устозлардан оламиз.

Шу ўринда Абдурахмон Жомийнинг ҳикматларига кулоқ тутинг:

**Китобдан яхшироқ дўст
йўқ жаҳонда,
Ғамхўринг бўлмай у ғамли
замонда,**

**У билан қол танҳо, ҳеч
бермас озор,
Жонингга юз роҳат беради
такрор.**

Дейлик, китоб бўлмаганда биз бундай бебаҳо ҳикматлардан баҳра олармидик?

Китоб инсонни ҳар қандай ёвузликдан қайтаради, руҳий тушкунликдан асрайди. Аксинча, келажакка умид билан қарашга ундайди. Мен буни ҳаётимда кўп учратганман. Оддий бир мисол, агарда “Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси”ни варақлаб унинг моддалари билан танишган инсон ҳар қандай қилмиш учун жиноий жазо белгиланганлигини фаҳмлагач, бундай ишга қўл урмайди. Гуноҳ ишлардан қўрқадиган, жамиятда эзгуликнинг умри узоқлигига ишонади. Буни ўз оиласи ва яқинларига тарғиб қилади.

Шу боис, одамлар орасида китоб мутолаа қилиш, китоб дўконларини кўпайтиришга кўпроқ эътибор қаратиш лозим. Зотан, китоб ўқиган кишининг нафақат маънавий дунёси бойийди, балки ўз халқи, ватани олдидаги бурчини теран англайди.

**Нуриддин РАҲМОНОВ,
меҳнат фахрийси.**

▼ ХОТИРА

«ЎҚИБ БЎЛМАС ДИЙДОР ҚАЗОЛАРИНИ...»

... Ярим тун, қайсидир асарни ўқиб, бир сўзнинг маъноси-ни англамадим. Ўрнимдан туриб, жавондан луғатни олиб, уни варақлашга ҳафсалам бўлмади. Мутлоага берилганимдандир, балки. Кўнглимдан телефон қилиб, устоздан сўрайман, деган фикр кечди. Аммо... Энди у йўқ. Матназар Абдулҳаким билан замондош ҳамдавра эдик. Биз бу йўқотишга ҳали ҳам кўника олмадик. Ҳатто кўхна Хоразмнинг ўзи ҳам кўника олмаётгандек гўё.


Шоир ижоди ўзбек адабиётида қанчалик қадрли бўлса, унинг воҳа адабий муҳитида тутган ўрни ҳам шунчалик бекиёс эди.

Ўтган асрнинг 70-80 йилларида Матназар оға Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимида ишларди. Оддий ходим бўлса-да, ижод аҳли орасида етакчи эди. Биз ёшларни, ҳатто таниқли ижодкорларни уюшма атрофига бирлаштирган эди. Унинг саъй-ҳаракати билан ҳар ҳафтада муҳокамалар уюштирилди. Янги ижод намунаси билан келиш қатъий талаб қилиб қўйилганди. Демак, шу муддатда 20-25 асар яралар эди. Яхшилари мақталар, ўртамайналарнинг камчиликларини кўрсатиб бериларди. Раҳим Бекниёз, Эркин Самандар, Ошиқ Эркин,

Рўздат Отаев, Фозил Зоҳид, Уллубиби Отаевларнинг маслаҳат ва йўл-йўриқларини тинглардик. Ана шу тадбирларда беш йил қатнашганимдан кейин Матназар оға кулимсираб:

— Жуманазарни ҳам бир амаллаб шоир қилиб олдик, — деган эдилар. Буни ўзимга, ижодимга нисбатан энг фахрли эътироф сифатида қабул қилганман.

1991 йилда Нукусда адабиёт ва санъат кунлари ўтказилди. 200-300 одам тадбирга етиб бориб, автобуслардан тушишимиз билан шоирни дўстлари, мухлислари ўраб олди. Биз бир чеккада ҳайратланиб, қувониб турибмиз. Ўн беш-йигирматача мезбон Матназар оға билан бирварақайига ҳол-аҳвол сўрашмоқда. Улардан бири



мени кўрсатиб:

— Бу ҳам шоирми? — деди.

— “Улиб”, — деди Матназар оға ва кизгин суҳбатни давом эттираверди.

Бу сўз бизда “жуда ҳам” деган маънони англатади...

Матназар оға улуғ мутафаккир Навоийнинг маънавий меросини жуда қадрларди. Ундан ўрганиб, баҳра олиб, Навоийга интилиб яшарди.

Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими журналист Қадамбой Солаев шундай хотирлайди:

— Бир куни Матназарга “Навоийни сиз чуқур биладиган олимсиз”, дедим. У “Биламан дейиш нотўғри, аммо Навоийни кўп мутолаа қиламан дея оламан”, деб жавоб қайтарди.

Матназар оғанин мумтоз адабиётимизга меҳри чексиз эди. Шу боис, Паҳлавон Маҳмуд, Бедил, Мунис, Оғаҳий каби шоирлар ижодидан таржималар қилди. Фалсафий мақолалар ёзди. Устоз рус тилини мукамал биларди. Ёш шоирларнинг ижод намуналарини рус тилига ҳам ўғирди. Ўнлаб шеърини тўпламлар нашр қилдирди.

Матназар оғанин шундай мисралари бор:

**Худойимнинг ўзи бераверди,
Ёрни кўрмаганин жазоларини.
Номоз қазосини ўқиса бўлар,
Ўқиб бўлмас дийдор қазоларини.**

Гарчи бугун Матназар оға орамизда бўлмаса-да, унинг назм дурдоналари яшамокда, қанча-қанча кўнгилларга завқу шавқ, сурур бағишламоқда.

Жуманазар ЮСУПОВ

Тошкент Вилояти

ЭЗГУ НИЯТЛАРИНГИЗ УШАЛАВЕРСИН, МЕЛИОРАТОРЛАР!

Ер ризқ-рўзимиз,
тўкин-сочин дас-
турхонимиз, фа-
ровон ҳаётимиз
манбаи. Замин
саховатли, унга
меҳр қўйганларга
ўз хазинасини
очади. Юртимиз-
нинг ҳар бир
қарич ери биз
учун қадрли.

Шўрланган май-
донларни серҳо-
сил, унумдор
майдонларга ай-
лантириш учун
илмий асосда,
ишнинг кўзини
билиб меҳнат
қилиш керак.

— Кейинги йилларда ерлар-
нинг мелиоратив ҳолатини ях-
шилашга эътибор кучайтирил-
ди. Бу борада Президентимиз-
нинг 2007 йил 29 октябрдаги
“Ерларнинг мелиоратив ҳола-
тини яхшилаш тизимини туб-
дан такомиллаштириш чора-
тадбирлари тўғрисида”ги Фар-
мони республикадаги мелиора-
торлари олиб бораётган иш-
ларда дастуриламал вазифаси-
ни ўтамоқда, — дейди “Янги-
йўлдавсуммахсуспудрат” дав-
лат унитар корхонаси раҳбари
Лутфулла Турсунов. — Вилоят-
имизнинг Янгийўл, Чиноз, Қуйи
Чирчиқ, Пискент, Зангиота ва
Бўка туманларида ерларнинг
мелиоратив ҳолатини яхши-
лашга ўз ҳиссамизни қўшиб
келяпмиз.

Корхона ишчи-хизматчилари
ўтган йили давлат дасту-
рида белгиланган лойиҳа
бўйича Янгийўл туманида 108
километр, Чиноз туманида 52



километр, Қуйи Чирчиқ туманида 157 километр узунликдаги зовур-дренаж тармоқларида реконструкция ва таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга оширдилар. Шунингдек, Шўралисой хўжаликлари зовурининг 2,5 километрлик қисми тозаланди, 2 та гидротехник иншоот, Зангиота туманидаги Ачисой хўжаликлари зовурининг 6,36 километри ҳамда 2 та иншоот, Бўка туманидаги Чегара хўжаликлари зовурининг 1,91 километрида реконструкция ва таъмирлаш-тозалаш

ишлари олиб борилди.

Амалга оширилаётган мелиорация тадбирларида техника воситаларидан самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 7 майдаги “Мелиорация ва бошқа сув хўжалиги ишларини бажаришга ихтисослаштирилган давлат унитар корхоналарини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан 2008-2012 йилларда корхонага “Ўзмелиомашилизинг” давлат лизинг

компаниясидан 16 та экскаватор, 3 та бульдозер, 2 та трайлер, 2 та тягач, 2 та ёнилғи ташиш трактор транспорти харид қилинди. Уларни бетўхтов ва унумли ишлатишда ўз касбининг фидойилари — экскаваторчилар Тўхтамурод Бекназаров, Зокир Йўлдошев, Умид Зиёев, Исроил Ҳайтов, бульдозерчи Обид Файзиев, ҳайдовчилар Аҳмад Ҳожиматов, Маҳмуд Тешабоев, Собир Ашуровларнинг хизмати катта бўлмоқда. Улар зовурларни сифатли тозалаб, заминимизни яшартиришда алоҳида ғайрат-

шижоат кўрсатмоқдалар. Бу ишларнинг пухта бажарилишини тажрибали мелиоратор Лутфулла Турсунов доимо назорат қилиб бормоқда.

Президентимиз Ислоҳ Каримов 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида одамларимизнинг еру сувга бўлган муносабати ўзгариб, ушбу бебаҳо бойликдан — ер ва сув ресурсларидан самарали ҳамда оқилона фойдаланиш масъулияти олиб бораётганини таъкидлаб ўтди. Жамоа мелиораторлари 2013 йилда ҳам юксак марраларни кўзлаб олиб боришяпти. Обод турмуш йилида янгийўллик мелиораторлар вилоятнинг қатор туманларида 5 миллиард 165 миллион сўмлик реконструкция ва таъмирлаш-тиклаш ишларини адо этишни кўзлаганлар. Бу ишларнинг амалга оширилишидан кўзланган мақсад сувдан самарали фойдаланилишига эришиш ва тупроқ ҳосилдорлигини оширишга қаратилган.

Наврўз — орзулар айёми. Бу кунда деҳқон ҳосилига барака тилайди, сувни зардек қадрлаган мироб обиҳаёт мўл-кўл бўлишини ният қилади. Деҳқону миробларнинг эзгу ниятлари ушалаверсин!

Аҳмаджон РИХСИБОВ,
“Qishloq hayoti” муҳбири.

Наврўзи олам муборак, ази́злар!
«ЯНГИЙЎЛДАВСУВМАХСУСПУДРАТ»
ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ
*барга юртдошларимизни яшариш ва
янилланиш айёми — Наврўзи олам
билан самимий муборакбод этади.*
Хонадонларимиздан кут-барака ҳел қалон афимасин!
Юртимиз осмони ҳаммиша мусаффо бўлсин!





«KOC'HMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖНИНГ ХУДУДИЙ ФИЛИАЛЛАРИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРНИ ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.05.2011 йилдаги 147-сонли қарори ва Жиззах вилояти Пахтакор тумани ҳокимининг 16.01.2013 йилдаги 02-23-сонли хатига ҳамда 2012 йил 7 февралдаги 37-сонли ва 2012 йил 31 мартдаги 166-қарорларига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга куйидаги 6 (олти)-та ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи тақдирдорий танлов савдосига қўйилмоқда:

1. "Пойабзал тузатиш устaxonаси" биноси қуриш учун Пахтакор тумани Олмазор ҚФЙ ҳудудидан жойлашган 1 дона 26,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 8 826 сўм.

2. "Аккумуляторларни таъмирлаш устaxonаси" биноси қуриш учун Пахтакор тумани Олмазор ҚФЙ ҳудудидан жойлашган 1 дона 24,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 8 712 сўм.

3. "Пойабзал тузатиш устaxonаси" биноси қуриш учун Пахтакор тумани Мингчинор ҚФЙ ҳудудидан жойлашган 1 дона 24,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 8 712 сўм.

4. "Суратхона" биноси қуриш учун Пахтакор тумани Мингчинор ҚФЙ ҳудудидан жойлашган 1 дона 24,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 8 712 сўм.

5. "Автотехизмат шохобчаси" биноси қуриш учун Пахтакор тумани Мингчинор ҚФЙ ҳудудидан жойлашган 1 дона 48,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 17 321 сўм.

6. "Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари" биноси қуриш учун Пахтакор тумани А.Икромов ҚФЙ ҳудудидан жойлашган 1 дона 36,0 кв.м. ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ҳуқуқнинг минимал қиймати - 9 546 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Пахтакор тумани архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириги асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириги нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб расмий иш кунларида (соат 10:00 дан 16:00 гача) қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик) ва 2013 йил 1 апрель куни соат 18:00 да тўхтатилади.

